

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ИМКОНИЯТЛАРИ: ОТАҚЎЗИ МАДРАСАСИ МИСОЛИДА



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-332-338>

**Тўрабоева Яйраҳон Рустамжоновна**

АндҚХАИ катта ўқитувчиси, АДУ таянч докторанти

[tyayraxon@mail.ru](mailto:tyayraxon@mail.ru)

**Масардинов Хушнудбек Бозорбой ўғли**

АндҚХАИ магистранти

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада зиёрат туризмини ривожлантиришига хизмат қилувчи обида Отақўзи мадрасаси тарихи ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилган. Шунингдек, Янги Ўзбекистонда маҳаллий этнографик хусусиятларни жамлаган мажмуанинг аввалги ҳолатини тиклаш ва кенг жамоатчиликка илм, зиё тарқатиш каби вазифаларини қайта жонлантириш мақсадида таклиф ва тавсиялар берилди.*

***Калим сўзлар.** Отақўзи мадрасаси, Қўқон хонлиги архитектураси, масжид, этник туризм, зиёрат туризми, ибодат.*

### ABSTRACT

*The article analyzes the history of the monument Otako`zi Madrasah, which serves the development of pilgrimage tourism and its current state. In addition, proposals and recommendations were made in order to restore the former state of the complex, which has accumulated local ethnographic features in the new Uzbekistan, and to revive its functions such as the dissemination of knowledge and knowledge to the general public.*

***Keywords.** Otakozi Madrasah, Architecture of the Kokand Khanate, mosque, ethnic tourism, pilgrimage tourism, worship.*

### АННОТАЦИЯ

*В статье анализируется история памятника медресе Отакози, служащего развитию паломнического туризма, и его современное состояние. Кроме того, были внесены предложения и рекомендации по восстановлению прежнего состояния комплекса, который накопил местные этнографические особенности в новом Узбекистане, и по возрождению его функций, таких как распространение знаний и знаний среди широкой общественности.*

*Ключевые слова. Медресе Отакози, архитектура Канадского ханства мечеть, этнический туризм, паломнический туризм, богослужение.*

## **КИРИШ**

Туризм бугунги кунга келиб жаҳон мамлакатларининг иқтисодиётида катта даромад келтирадиган ва жадал суръатларда ривожланаётган инфратузилма тармоқларига айланиб бормоқда. Зеро инсоният яратган моддий ва маданий бойликлар тарихдаги йирик кашфиётларга манба бўлиб хизмат қилгани бор гап. Шу боис ҳатто индустриалашган жамиятлар ҳам анъанавий жамиятлар маданияти ва тарихига қизиқиш билдирмоқдалар, натижада туризмнинг янги йўналишлари пайдо бўлмоқда.

Тарих ҳақиқатлари сўз очганда, ҳар миллат ва элатларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, дини, маросим ва одатлари этник бирлигини белгилайди ва узоқ йиллар шу функцияни бажариб келади. Ўзбек миллий минталитети бевосита ҳамда билвосита ислом маданияти нури остида гуллади, яшнади. Мустақиллик туфайли меҳнаткаш халқимиз нафақат озодлик нашидаси хис этди, балки ўзлиги англади, миллий кадриятларини намоён этди, анъана ва маросимларни ошкора амалда бажара бошлади, этник хусусиятларини қайта жонлантирди. Совет мафкураси қоралаган ислом дини амаллари ва маросимлари кенг жамоатчилик, виждон эркинлиги байроғи остида нишонлана бошланди. Хусусан, Республикамизда виждон эркинлиги, диний ташкилотларни қонунан ҳимоялаш, давлат ва диннинг ажратилганлиги, диний ташкилотларга нисбатан эркинлик ва диний маросимларни адо этиш учун мадраса ва масжидларни қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари давлат дастури даражасида бажарилди[1]. Мамлакатимиз жозибадор ва қадимий меъморий ёдгорликларини сақлаб қолиш борасидаги таъмир ишларини илмий ўрганиш ва замонавий диний мажмуалар бунёд этиш орқали этник туризм инфраструктурасини яратиш нафақат Ўзбекистон балки Ўрта Осиё миқёсида, шунингдек жаҳон илмий тадқиқотчилари ўртасида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

## **АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ**

Мавзу юзасидан илмий ва оммабоп нашрларни тахлил этганда совет даври олимлари ҳамда мустақиллик йиллардаги тадқиқотлар қиёсий тахлил этиш ўринли деб ўйладик. Хусусан рус тадқиқотчиларидан В.В Бартольд, М.С Андреев, С.П Толстов, О.А Сухарёва, П.П Иванов, Г.П Снесарев каби олимлар томонидан Мараказий Осиё мамлакатлари диний муассаслари, уларнинг

вазифалари ҳамда уларда амалга ошириладиган амалларнинг хусусиятларини кенг таҳлил этдилар[3]. Я.Ғ.Ғуломовнинг Ўзбекистонда мавжуд моддий маданият ёдгорликларини асраш ва муҳофаза қилиш масалалари ўз ифодасини топганлигини тушуниш мумкин[2]. Аммо уларнинг тадқиқотлари совет мафкураси остида ҳамда артеизм руҳида баён этилган манбалар билан тенглаштирилди. Мустақиллик туфайли диний мадрасалар ва масжидларнинг тарихини илмий таҳлил этиш ва бу борада мафкурадан холи этиш борасида ҳам тадқиқотлар олиб борилди. Хусусан этнограф Н.Абдулахатовнинг тадқиқотлари диққатга сазовордир[4]. Барча илмий изланишлар мамлакатимиздаги моддий маданият ёдгорликлари ҳисобланмиш мадраса ва масжидларни тадқиқ этишда умумий жаҳатларга эътибор бердилар.

### **МЕТОДЛАР**

Ушбу мавзунини ёритиб беришда қиёсий таҳлил, таққослаш, тарихий-қиёсий ва дала-экспедиция маршрутларига тегишли методлардан фойдаланилди.

### **НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистонда ислом дини кенг тарқалиши билан мадраса ва масжидларни қуриш ва диний амалларни бажариш анъанага айланди, шу боис бир неча асрларга таълуқли масжид ҳамда мадрасалар фаолият олиб бориб, уларнинг баъзилари ўз холича сақланиб қолган ҳамда ҳозирда ҳам мусулмон аҳлига дин ва ахлоқдан дарс бермоқдалар. Бунга яққол мисол қилиб Отақўзи мадрасасини келтириб ўтиш ўринли. Андижон вилояти Рахтабод тумани Маданият қишлоғида жойлашган “Ота Қўзи” мадрасасини ҳозирда масжид вазифасини бажариб келмоқда. Ушбу мадраса 2014 йилда юз ёшни қаршилади.

Шу ўринда мадраса сўзининг луғавий маъносига тўхталиб ўтсак, мадраса (араб, дараса—ўрганмоқ) — мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланиб, у уламолар ва мактабдорлар, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида давлат органлари хизматчиларини ҳам тайёрлайди. VII—VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида араб давлатларида пайдо бўлган. X—XIII асрларда ислом динига эътиқод қилинадиган мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёда мамлакакатларида ҳам кенг тарқала бошлаган[5]. Мадрасалар умумий қурилиш типологияси (таснифи) лойиҳаси ва қурилмасига кўра, бир-биридан ажралиб туради. Ўрта Осиё меъморлигида масжид ва дарсхона қоидага кўра, пештоқнинг икки ён қанотида жойлашганлиги билан ажралиб туради.


Отақўзи мадрасаси тарихи ва вазифаси хусусида сўз кетганда, унинг асосчиси Отақўзи хожи ҳаёти ва мадрасани бунёд этишдаги мураккаб вазиятни ҳисобга олган ҳолда ҳолислик билан ёндашишни мақсад қилдик.

Долимжон хожи ўғли Отақўзи хожи 1853 йили Маданият қишлоғининг Тақачиариқ бўйида, мадраса ёнидаги хонадонда таваллуд топиб, унга ёшлиқдан ота-онаси тарбиясида диний – дунёвий билимларни мукамал ўзлаштириши учун барча шарт-шароитларни яратиб беради, комил инсон бўлиб улғаяди.

Отақўзи хожи мадрасаси 1907 – 1914 йилларда бунёд этилган бўлиб, мадрасани қуришдан кўзлаган асосий мақсад, аввало маҳаллий этник аҳолининг диний ва дунёвий билимларни ўзлаштиришлари учун имкониятларни яратиб бериш ҳамда мажмуани ўлкамиздаги ислом обидаларидан бирига айлантириш.

Мадрасани бунёд этишда маҳаллий хунарманд усталар, Наманганлик уста Қирғизбой, Пойтуғлик уста Мамажонлар бошчилигида амалга оширилган. Лойиҳада қурилишида бинонинг зил – зилаларга чидамлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бинонинг ўртасидан оқиб турувчи сув манбаи ариқ қазилган.

Лойиҳада девор ости 1,5 метр чуқурликда, эни 70 см. 1,5 метр қилиб қовланган. Ер билан тенг қилиб тош терилган, тошнинг оралари қум ва лойқа билан тўлдирилган. Лекин тошни устига солинган қамиш девор четидан кўринмайди. Бинони эгаллаб турган ер майдони 0, 36 гектарни ташкил этади. Бино анъанавий Шарқнинг жазибдор нақшинлар услубида қурилган бўлиб, унинг умумий кўлами, тарихий тузилиши ҳам ўзига хоздир.



1-расм. Ота қўзи мадрасаси. Ҳозирги ҳолати. Ички ва ташқи кўриниши.

Пештоқ гумбазли, асосий кириш дарвозаси олди ғарб томонда жануб – шимол томонларида ҳам дарвозаси бўлиб, жами учта дарвозадан бино ичига кириш йўллари мавжуд. Айвон 2 қаватли қилиб қурилган. У ерда 4 та хона бўлиб, биринчи қаватда иккита катта хона, бири ибодат, иккинчиси талабалар

сабоқ олишлари учун мўлжалланган. Маджрасада умумий 21 та хужралар мавжуд бўлиб, уларда асосан мадараса талабалари истиқомат қилган[5].

Мадараса ҳозирда ўз фаолияти масжид сифатида давом эттирмоқда, у 1995 йилда маҳаллий аҳоли томонидан қайтадан таъмир этилди[6].

Мадарасанинг катта хонасига 16 қиррали чўққиси кубба шаклдаги муқарнас устунлар қўйилган бўлиб, хона шифти маркази катта ховузак услубида ишлов берилиб, нақшлар билан безатилган. Мадарасанинг гул нақш солинган шифтлари алоҳида бадиий қийматга эга[7]. Ибодат қиладиган хонанинг шимолий томонида мадраса қурилган йили ва “Бешиқдан лаҳадгача илм изла” сўзлари битилган.

Мадараса архитектурасида хоразмча тиниқ муқарнас карниз ва II симон қўнғира ишлатилган. Бу Қўқон хонлиги сўнги девор архитектурасига мос ёдгорлик ҳисобланади[8].

Бинонинг жануб томонидаги эшиқдан кираверишда ўнг томонда асосий энг катта минорада эса азон чақиралади. Баландлиги 16,25 метр минора ичи билан тепага чиқиш учун 40 та зинопоялар мавжуд. Гумбазнинг энг юқори қисмида ой ва юлдуз тасвири металдан жойлаштирилган. Ушбу тасвир зулматдан ёруғлик сари маъносини англатади[9].

Мажмуа Совет укумати томонидан 1973 йилдан бошлаб Отақўзи ота номидаги халқ музейи номи остида фаолият юрита бошлайди[10].

1989 йил “Виждон эркинлиги” ва диний ташкилотлар” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунинг қабул қилиши, мадраса фаолиятини қайта жонлантирди. Маҳаллий аҳолига Отақўзи мадрасасида ислом амалларини бажариш, ибодат қилиш учун кенг халқ оммаси тасарруфига ўтказилди.

## **МУХОКАМА**

Шунингдек ушбу мажмуани кенг жаматчиликка зиёрат маскани сифатида аввалги мақомини тиклаш учун қуйидаги таклиф ва тавсияларни берамиз.

✚ Ота қўзи мадрасаси ҳозирда таъмирга муҳтож ва мажмуа аввалги мақоми мадраса номи остида фаолият юритса, маҳаллий аҳолигининг диний ва дунёвий билимларини ошириш имкони оратади;

✚ Мадарасини барча мусулмон дунёси ва халқаро алоқалар маскани сифатида фаолият олиб боришига қўмаклашаш ва маҳаллий сармоядорларни шу савобли ишга ўз хиссаларини қўшиш учун имкониятларни чекламаслик;

✚ Хориждаги диний уламолар билан зиёрат туризм йўналишида яқиндан ҳамкорлик қилиш учун бу борада тажрибаси бўлган маҳаллий



уламоларни жалб этиш, чиқиш ва кириш визаларини қисқа муддатда расмийлаштириш чораларини кўриш бўйича фикр-мулоҳазаларни алмашиш[11].

✚ Жадаллашиб бораётган глобаллашув жараёни ғарб ва шарқ цивилизациялари уйғунлашуви ҳалқларнинг миллий ўзлигини англаши ва локал анъанавий маданиятларини сақлаб қолишга бўлган интилишни тобора долзарб масалага айлантормоқда[12]. Бу эса турли тарихий-этнографик минтақаларга хос бўлган этнохудудий хусусиятларни ва маданий мерос объектларини этнографик материаллар асосида ҳалқ маданиятининг феномени тарзида чуқур ўрганишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда[13].

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинчи, Шарқ мамлакатлари тарихида Ўзбекистон қадимда Буёқ Ипак йўлининг асосий халқаро транзит марказларидан бири бўлиб хизмат қилган. Шу мақсадда, Янги Ўзбекистонни жаҳон мамлакатларига бой маданий меросини нимоён этиш учун барча эшикларни очди. Бугун мамлакатимиз тарихи ва маданий мероси билан яқиндан танишиш, миллий урф одатларимизга бўлган қизиқ ортиб бораётганлиги, ўлкада очик ва яхши кўшниликка асосланган ташқи сиёсат ҳукумрон эканлиги англатади ва шу туфайли сайёҳлар оқими ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Шунингдек, бугун Ўзбекистон Республикасидаги муқаддас қадамжоларга, қадимги мадраса ва масжидларга зиёрат туризм йўналишидаги сайёҳларни жалб қилиш бўйича реклама тадбирларини ташкил этиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Янги Ўзбекистонни янгича нигоҳ, янги имкониятлар ва марралар сари одимлаб бориш боў мақсдимизга айланди.

### REFERENCES

1. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида. ЎРҚ Тошкент, 2021. 5 июль, № -699, Халқ сўзи. 06 июль 2021
2. Я.Ғуломов. Ўзбекистонда моддий-маданий ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш йўллари. – Тошкент, 1934. Б. 120
3. В.В Бартольд. К.Истории арабский зовеивании в Средней Азии. Сочинения. М.1964; Андреев М.С. Чилтаны в средниазиатских вированиях// религиозний вирования народов СССРс.Том.1 Л.М, 1931; Сухарева О.А. к вопросу о культе мусульманский свяытих в Среднейц Азии// Ислам в Узбекистане. -Т.1960; С.П Толстов. Древний Хорезм. М.1948

4. Н.Абдулахатов. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратгоҳларнинг ўрни. Диссертация.Т.2008
5. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-m/madrasa-uz/>
6. Тўрабоева, Я.Р. (2021). Экотуризм: Шифобахш булоқлар (Андижон вилояти мисолида). Academic research in educational sciences, 2(9),728-735. <https://cyberleninka.ru/article/n/ekoturizm-shifobahsh-bulo-lar-andizhon-viloyati-misolida>
7. Тўрабоева, Я.Р. (2021). Ёшлар миллий маънавиятини юксалтиришда зиёратгоҳларнинг ўрни: “Қутайба ибн Муслим зиёратгоҳи” мисолида. //“Ўзбекистон халқаро рейтингларда: ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг самарадорлиги, муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 306-311.
8. Тўрабоева, Я.Р. (2021). Classification of shrines (on the example of Andijan region). Euro-Asia Conferences 1 (1), 300-303.
9. Тўрабоева, Я.Р. (2021). Экотуризм: шифобахш булоқлар (Андижон вилояти мисолида). Academic research in educational sciences 2 (9), 728-735.
10. Тўрабоева, Я.Р. (2021). culture of relationshin in the Uzbek family customs and new traditions. Zamonaviy fan, ta'lim va tarbiyaning dolzarb muammolari 2181 (9750), 270-276
11. Turabayeva, Y. (2020). Traditions and values in uzbek families. Наука и техника. мировые исследования, 32-34
12. Тўрабоева, Я.Р. (2020). Обеспечение патриархальной системы в семейном институте: анализ проблем и решений. Life Sciences and Agriculture, 140-144
13. Turabayeva, Y., Hakimov, S. (2018). Recognition and promotion of the intangible cultural heritage of Uzbekistan internationally by the UN and UNESCO. //Особенности инновационного этапа развития мировой науки, 10-12.
14. Saifnazarov, I., Xujayev, M. (2018) Axmad Zaki Validiy islamic culture. Экономика и социум, 2, 55-57.
15. Umarjonov, S.S. (2021). Ijtimoiy – gumanitar fanlarni o‘qitishda Fahriddin Roziyning ontologik qarashlarining o‘rni va ahamiyat. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(9), 1029-1038.
16. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.